



O'ZBEKISTON OVOZI

Shu aziz VATAN — barchamizniki!

2015-yil, 17-fevral. Seshanba • 19 (31.922)

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

www.uzbekistonovozi.uz

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ МУҲИМ ВАЗИФАДИР

БЕКОБОД ШАҲАР «МЕТАЛЛУРГЛАР» МАДАНИЯТ САРОЙИДА ЎЗБЕКISTON ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ҲАМКОРЛИГИДА «САЙЛОВ ЖАРАЁНЛАРИ, УНДА ЎЗБЕКISTON ХДП ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ИШТИРОКИ ВА ВАЗИФАЛАРИ» МАВЗУСИДА СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

УНДА ЎзХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ, ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ ПАРТИЯ ФРАКЦИЯСИ АЪЗОЛАРИ, ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ҲАМДА БЕКОБОД ШАҲАР ПАРТИЯ КЕНГАШИ ФАОЛЛАРИ, КЕНГ ЖАМОАТЧИЛИК ВАКИЛЛАРИ ИШТИРОК ЭТДИ.



Ўзбекистон Республикаси Президенти САЙЛОВИ — 2015



29 МАРТ

40

КУН ҚОЛДИ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

Қорақалпоғистон Республикасида Президент сайловига пухта тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараёнларни оммавий ахборот воситаларида кенг ёритиш мақсадида марказий газеталар, радио-телевидение, ахборот агентликлари вакиллари рўйхатга олинди, уларга махсус аккредитациялар тақдим этилди.

Сайлов жараёнларини ёритадиган журналистлар учун барча шароитлар яратилган, — дейди **1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссияси раиси ўринбосари Мухтор Ибрагимов**. — Журналистлар бу борада бевосита матбуот маркази билан ҳамкорликда иш олиб боришади. Замонавий компьютер ва алоқа воситалари билан жиҳозланган матбуот маркази зарур адабиётлар, сайловга оид қонунлар, услубий қўлланмалар билан таъминланган.

Қорақалпоғистонда сайлов қонунчилигидан хабардор фуқаролардан ташкил топган 589 участка сайлов комиссияси таркиби тасдиқланган. Барча сайлов участкаларининг тартиб рақами ва манзили кўрсатилган ҳолда улар ҳақидаги маълумотлар қорақалпоқ, ўзбек ва рус тилларида маҳаллий нашрларда эълон қилинди.

Республикада 1 миллион 159 минг 795 нафар сайловчи Президент сайловида иштирок этиши кутилмоқда. Аини пайтда сайлов участкаларини жиҳозлаш, сайловчилар учун етарли қулайликлар яратиш ишлари олиб боришмоқда.

ҚАШҚАДАРЁ

Бугунги кунда 13-Қашқадарё округ сайлов комиссияси томонидан Президент сайловини юқори савияда ўтказиш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Айтиш керакки, мамлакатимиздаги муҳим сиёсий-ижтимоий жараённи ўтказишда, энг аввало, участка сайлов комиссиялари аъзолари сайлов қонунчилигидан яхши хабардор бўлишлари талаб этилади. Шу боис вилоятда ўқув-семинарлари, амалий учрашувлар ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиляпти.

Вилоятимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказиш учун 867та участка сайлов комиссияси тузилган, — дейди **округ сайлов комиссияси котиби Ботир Шукuroв**. — Жойларда сайлов участкаларининг моддий-техник таъминоти ҳамда сайловчиларнинг овоз бериши билан боғлиқ ташкилий ишлар ниҳоятда етказилмоқда. Сайловга тайёргарлик кўриш, сайлов билан боғлиқ жараёнлар хусусида жамоатчиликни кенг хабардор қилиш, айниқса, сайловда биринчи бор қатнашадиган ёшларнинг билим ва тушунчаларини ошириш борасидаги ишлар изчил давом эттириляпти.

ЖИЗЗАХ

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 4-Жиззах округ сайлов комиссиясида тайёргарлик ишлари қизгин паллага кирди. Аини пайтда вилоятда тузилган сайлов участкаларини замонавий алоқа воситалари ва бошқа жиҳозлар билан таъминлаш ишлари тугалланмоқда.

Округ сайлов комиссияси ташкил этган матбуот анжуманида сайловга тайёргарлик жараёнларини ОАВда кенг ёритишда ҳолислик мезонларига қатъий амал қилиш муҳим аҳамиятга эга экани таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик ишлари режа асосида амалга оширилмоқда, — дейди **округ сайлов комиссияси раиси Абдумажид Сатторов**. — Сайловнинг очиқ-ошкоралик тамойиллари асосида ўтказилишида оммавий ахборот воситаларининг ўрни беқиёсдир. Шу боис бу жараёнлар вилоят, шаҳар ҳамда туман босма ва электрон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилмоқда.

Бундан ташқари, вилоятдаги 463та сайлов участкаларида сайловчилар учун тиббиёт ҳамда оналар ва болалар махсус хоналари ташкил қилинган.

Аҳмад ЮСУПОВ тайёрлади.

Сайловга тайёргарлик ишлари тўғрисида тахририятимизга хабар қилинг.

Тел.: (0-371) 233-10-13, 233-65-45 info@uzbekistonovozi.uz

ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ФАРҒОНА ҲАМДА НАМАНГАН ВИЛОЯТЛАРИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди.

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 16 февраль кuni Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Н.Собиров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Маҳкамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий Ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий таъминот тизимларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъ-

минлаш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Марғилон тиббиёт коллежи директори Ш.Эрматов, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори ўринбосари Ш.Нишонбоев, Ўзбекистон Халқ демократик партиясини вилоят кенгаши раиси ўринбосари Д.Мамажонов ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётгани, миллий сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидлади. Сайловчиларни 2015 йил 29 март кuni бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

М.СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири.

Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири 16 февраль кuni Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов наманганлик сайловчилар билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси Ф.Ортиқов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Қирғизбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ва бошқа асосий вазифалар белгиланган.

Учрашувда «Наманган ҳақиқати» газетаси бош муҳаррири

А.САТТОРОВ,
ЎЗА мухбири.

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида:

Сиёсий партия фракцияси ва депутатлари фаоллиги парламент иши самарадорлигини таъминлайди

«Ҳеч ким меҳр ва эътибордан четда қолмасин»

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Акмал Холматович Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Абдуганиевич Қаримов, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисидаги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланди. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

Шу кунни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов тадбир иштирокчиларига Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси яқинлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик бўйича амалга оширилаётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Сайлов кампанияси мамлакатимиз қонунчилиги ва Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Президентини

сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастурига тўла мувофиқ ҳолда ўтказилаётгани таъкидланди.

Марказий сайлов комиссияси «Ўзбекистон Республикаси Президентини сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисида қарор қабул қилди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга оммавий ахборот воситаларида фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга ўз сайловолди дастурларининг асосий қанда-

ларини сайловчиларга етказиш учун Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Ўзбекистон» ва «Ёшлар» телерадиоканалларида 900 дақиқадан эфир вақти берилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар, уларнинг сайловолди дастурлари ҳақида видео ва радиороликларни эфирга узатиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар оммавий ахборот воситаларида сайловолди ташвиқоти материалларининг тури, шакли ва услублари ҳамда мазмунини мустақил белгилайди.

Сайловолди ташвиқоти даврида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти бўлиб қолган ташвиқотларнинг тегишли қарор қабул қилини.

«Народное слово» ва «Правда Востока» республика даврий нашрларида 10 саҳифагача нашр майдони бепул ажратилади. Ушбу материаллар ҳудудий нашрларда ҳам эълон қилинади. Сайловолди ташвиқоти ни амалга ошириш учун тенг шароитлар яратиш принципи партия нашрларига жорий этилмади. Улар ҳар қандай ҳажмдаги тегишли материалларни чоп этиш ҳуқуқига эгадир.

М.Абдусаломов Марказий сайлов комиссияси томонидан сайловолди ташвиқотини мамлакатимиз қонунчилигига тўла мувофиқ равишда ўтказиш бўйича аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинганини таъкидлади.

Брифингда сайловга тайёргарлик ишлари ҳақида ҳам сўз юритилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланиш учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Округ сайлов комиссиялари томонидан участка сайлов

комиссиялари ташкил этилиб, уларнинг таркибига жами 90 мингга яқин киши киритилган. Уларнинг 67 фоизи соғлиқни сақлаш, фан, таълим, маданият ва спорт соҳаси вакиллари, 22,3 фоизи жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари, 5,3 фоизи фермерлар, 5,4 фоизи ишлаб чиқариш соҳаси вакиллари, 6,2 фоизи иқтисодчилардир. Комиссия аъзоларининг 84 фоизи сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишда аввал ҳам иштирок этган. Участка сайлов комиссиялари аъзолари орасида хотин-қизлар 42,8 фоизни ташкил қилади.

Брифингда сайлов кампаниясининг очик ва ошқоралигини таъминлаш, оммавий ахборот воситаларининг Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга тааллуқли ахборотлардан фойдаланиш учун барча шароитни яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Шу мақсадда Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди.

Сардор ТОЖИБЕВ,
ЎЗА мухбири.

Марказий сайлов комиссияси белгиланган тартибда ҳужжатлар тақдим этган мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг 340 дан зиёд вакилини аккредитациядан ўтказди

ИЖТИМОЙ МУҲОҒАЗА

■ Мамлакатимизда ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан биридир. Шу боис қашиқат туман ва шаҳарлар, балки олис кишлоқларда ҳам ёшларни иш билан таъминлаш, уларга ҳар томонлама шарт-шароит яратиш ишларига алоҳида эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Денов туманида ҳам бу борада қатор ютуқларга эришилмоқда. Айни кунда тумандаги 14 та касб-хунар коллежи ва академик лицейда 21 минг нафарга яқин йигит-қиз таълим-тарбия олиш баробарида касб-хунар сирларини пухта ўрганмоқда.

Ёшларга имконият эшиклари очик

— Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига партияимиз Сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎЗХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев.** — Шу боис мазкур масъулиятли вазифани бажаришга мутасадди бўлган Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касб-хунар коллежлари ва молия муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Жойларда турли учрашув ва

га бўш иш ўринлари яратиш, аҳоли, айниқса, коллеж битирувчилари бандлигини таъминлаш масаласига партияимиз Сайловолди дастурида алоҳида эътибор қаратилган, — дейди **ЎЗХДП Денов туман кенгаши раиси Ҳасан Мирзаев.** — Шу боис мазкур масъулиятли вазифани бажаришга мутасадди бўлган Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, касб-хунар коллежлари ва молия муассасалари билан мустаҳкам алоқа ўрнатилган. Жойларда турли учрашув ва

Ишлаб чиқариш корхоналарини фойдаланишга топшириш, қасаначиликни ривожлантириш, сервис хизмати кўрсатишни яхшилаш борасида электротаримиз вакиллари молия муассасалари ҳам яқин кўмакчи бўлмоқда. — Ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадига ўтган йили 368 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди,

Ўтган йили 182 нафар киши партия аъзоллигига қабул қилинган бўлса, уларнинг 49 таси ташаббускор, изланувчан ва интилувчан йигит-қизлардир. Келажақда ана шундай шижоатли тарафдорларимиз сафига янада кенгайди.

— дейди «Савдогарбанк» акциядорлик тижорат банкнинг Денов филиали бошқаруви раиси, **ЎЗХДП аъзоси Абдумуним Эшмуродов.** — Шу билан бирга тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истигада бўлган коллеж битирувчиларидан 171 нафарига 697 миллион 500 минг сўм имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилди.

— 2014 йил мен учун унутилмас воқеаларга бой бўлди, — дейди **Умида Турсунова.** — Денов Енгил саноат касб-хунар коллежини тамомлаб, имтиёзли кредит олдим. 4 нафар тенгдошим билан тикувчиликни йўлга қўйдик. Энди ўз ишим бор, севимли машғулотим билан шуғулланиш баробарида ота-онамга ҳам ёрдам бераман. Юртимизда ёшларга кўрсатилаётган ғамхўрлик, эътибор бизни янада олға қадам ташлашга ундайди.

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДАВРА СУҲБАТИ

■ ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши Нукус шаҳар партия кенгаши билан ҳамкорликда давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, «Истиқбол» ёшлар қаноти, тарғиботчилар гуруҳи аъзолари, ҳудуддаги ёши улуг кексалар иштирок этди.

Кексаларимиз эъзоз ва эътиборда

«2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарор ҳамда «1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармоннинг жойлардаги ижросини таъминлаш мақсадида жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатиш, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронлар ҳолидан хабар олиш, уларга ҳуқуқий ва амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган тадбир жонли мулоқот тарзида ўтди.

Унда таъкидландики, давлатимиз томонидан мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб, кексаларни эъзозлаш, уларга ҳурмат кўрсатиш, ижтимоий муҳофаза қилиш борасида доимий равишда эътибор ва ғамхўрлик кўрсатиб келинмоқда. Бундай амалий ишларнинг мантиқий даври сифатида 2015 йили Кексаларни эъзозлаш йили деб эълон қилиниши юртимизда яшашга ёрдам берган инсон қалбига меҳр-оқибат, инсонийлик туйғуларини янада кучайтирди.

Давра суҳбати давомида партия ташкилотлари ҳамда гуруҳлари электротариф манфаатларини ҳимоя қилишда қонунчиликда кўзда тутилган барча ваколатлардан самарали фойдаланиши кераклиги алоҳида таъкидланди. Шунингдек, ёлғиз кексалар, пенсионерларга оид ижтимоий-иқтисодий масалаларни ўрганиш, аниқланган камчиликларни ҳамкор ва мутасадди ташкилотлар билан ижобий ҳал этиш зарур. Мазкур масалалар юзасидан маҳаллий давлат органлари раҳбарларининг халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ҳисоботлари тинглатилиши лозим. Шу мақсадда маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари аъзолари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари асосида ишлаб чиқилган таклифларни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракциясига юбориш зарурлиги алоҳида таъкидланди.

Тадбир сўнггида билдирилган таклифлар асосида тавсиялар ишлаб чиқилди.

ЎЗХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши матбуот хизмати.

ЎЗХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

САЙЛОВЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШ МУҲИМ ВАЗИФАДИР



Сайлов шартулини оқибатлар.

Мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа — Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда сайловчиларнинг ҳуқуқий билим ва савиясини ошириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бунда, айниқса, биринчи марта овоз бериш ҳуқуқидан фойдаланадиган ёшлар, хотин-қизлар, кишлоқ ҳудудларида истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари иштирокида турли тадбирлар, давра суҳбатлари, юзмаюзу мулоқотлар ўтказиш долзарб аҳамиятга эга.

— 2014 йилда ўтказилган Парламент сайловларида ёшларимизнинг ҳуқуқий билими, сиёсий фаоллиги ошгани яққол намойён бўлди, — дейди **Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Абдуғаффор ҚИРГИЗБОЕВ.** — Президент сайловида ҳам уларнинг Ватан, халқ тақдирини чуқур ўйлаган ҳолда фаол иштирок этишларига ишонаман.

Мамлакатимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этишни ҳисобга олсак, бўлажақ сайловларда уларнинг қатнашиши

муҳим аҳамият касб этади.

— Сайловларда иштирок этиш мамлакат тараққиёти, аҳоли фаровонлиги йўлидаги масъулиятдир. Бунга ҳар бир сайловчи, айниқса, ёшларимиз чуқур ҳис этмоғи лозим, — дейди **сиёсий шарҳловчи Қобилбек КАРИМ-БЕКОВ.** — Мустақиллик йилларида юртимизда сайлов тизимини ривожлантириш, сайлаш эркинлиги ва фуқароларнинг ўз хоҳиши-иродасини намойён этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Айниқса, сайловларнинг Конституцияимиз ва миллий сайлов қонунчилиги ҳамда халқаро демократик стандартлар талабларига тўла мос тарзда очкилик, ошқоралик ва муқобиллик асосида ўтказилаётганини алоҳида қайд этганимиз лозим.

Шавкат ОДИНАЕВ,
Тошкент давлат жисмоний тарбия институти талабаси:

— Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги Қонуннинг 8-моддасида: «Сайлов кунига қадар ёки сайлов кунидан 18 ёшга тўладиган, тегишли сайлов участкаси ҳудудига доимий ёки вақтинча

истиқомат қилиб турган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари сайловчилар рўйхатига киритилиши ҳуқуқига эгадирлар», деб белгиланган. Бу йил мен 18 ёшга тўлдим. Демак, меннинг сайловда қатнашиш ҳуқуқим қонун билан мустаҳкамланган. Сайловда овоз бериш биринчи навбатда мамлакат тақдирига бевосита дахлдорликни аниқлади. Шундай экан, фуқаролик бурчимизни масъулият билан адо этишимиз лозим.

Рушана АЛЛАБЕРДИЕВА,
Бекобод шаҳридаги «Металлурж» шифохонаси ҳамшираси:

— Билимим ва шу юрт учун фидойий бўлган ҳар қандай киши мамлакат ҳаётидаги муҳим воқеага берадқараб турмайди. Айниқса, мен сайловни ҳар бир фуқаро тақдирига дахлдор сиёсий воқеа, деб тушунаман. Яқинлашиб келаётган Президент сайловида ҳар томонлама етук ва илгор голярини илгари сурувчи муносиб номзода овоз бериш муҳим аҳамиятга эга. Чунки фуқароларнинг хоҳиш-истаклари сайловлар орқали рўёбга чиқади. Бунинг учун биз — ёш сайловчилар зарур билим ҳамда сиёсий-ҳуқуқий маданиятга эга бўлишимиз керак. Чунки бу бизнинг сиёсий ҳаётга қўядиган биринчи мустақил қадами-миздир.

Иштирокчилар миллий сайлов қонунчилиги тизими ва уларда фуқаролар иштироки масалаларида ўзларини қизиқтирган саволларга атрафлиха жавоб олдилар.

Семинар якунида бир гуруҳ ёшлар ЎЗХДП аъзоллигига қабул қилинди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ҚАРИЙБ 5 БАРОБАР, АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ЖОН БОШИГА ЎРТАЧА 8,7 БАРОБАР ЎСДИ.



■ 2015 ЙИЛНИНГ 1 ЯНВАРЬ ҲОЛАТИГА КЎРА, МАМЛАКАТИМИЗ АҲОЛИСИ 31 МИЛЛИОН 500 МИНГ КИШИНИ ТАШКИЛ ЭТДИ.

Ўзбекистондаги меъморий обидаларнинг гўзаллиги, ўзбек халқининг бой маданияти ва самимий меҳмондўстлиги ҳайратланарлидир

Ўзбекистон — Буюк Британия:

Таълим, маданият соҳасидаги ҳамкорлик

■ Мамлакатимизнинг Буюк Британиядаги элчихонасида Ўзбекистон ва Британиянинг таълим ҳамда маданият соҳаларидаги ҳамкорлиги мавзусига бағишланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Британия Кенгаши ва Британия — Ўзбекистон жамияти билан ўзаро ҳамкорликда ташкил этилган мазкур маросимда Буюк Британия парламенти, ҳукумати, ишбилармон, эксперт ва маданий ва жамоатчилик доиралари вакиллари, журналистлар ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Алишер Ваҳобов раҳбарлигидаги Ўзбекистон делегациясининг аъзолари иштирок этдилар.

Мамлакатимиз дипломатия миссиясининг раҳбари тадбир иштирокчиларини кутлар экан, Ўзбекистон бугунги кунда ўз тарихий қадими муҳим босқичини босиб ўтаётганини қайд этди. У 2014 йилнинг декабрида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари вилояти, туман ва шаҳар Кенгашига бўлиб ўтган сайловлар ҳусусида тўхталар экан, мазкур сиёсий тадбир натижаларига кўра икки палатали парламентнинг таркиби янгиланган, тажрибали депутатлар билан бирга мустақиллик йиллари давомида шахс сифатида шаклланди ҳам ва айратли юрдошларимиз ҳам парламентдан жой олишганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистон элчиси республикамизнинг навбатдаги муҳим воқеа, яъни 2015 йил 29 март кунини ўтаётгани Президент сайлови афрасида турганини тадбир иштирокчиларига маълум қилар экан, унда парламентдан жой олган тўрт сиёсий партиянинг номзодлари қатнашишини айтди.

Тадбир чоғида Ўзбекистоннинг таълим-тарбия соҳасида эришган муваффақиятлари

алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўзбек халқининг кўп асрлик анъаналари ва бой маънавий мероси ҳамда жаҳондаги илғор тажриба ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган Кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастур асосида таълим соҳаси тубдан ислоҳ қилинганлиги қайд этилди. Тадбир иштирокчилари республикамизда университет, институт, коллеж, лицей ва мактабларнинг кенг тармоғи яратилгани, уларда ўз мамлакатининг тарихий мероси ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган ёш авлод вакиллари таҳсил олаётгани билан яқиндан танишдилар.

Шу ўринда Буюк Британия билан таълим соҳасидаги ҳамкорликнинг, хусусан, Британия Кенгаши, Кембридж, Оксфорд, Бирмингем, Лондон Метрополитэн, Бата, Ливерпул, Ноттингем олий ўқув юртлари ҳамда Лафборо университети ҳузурдаги Лондон Дипломатия ва халқро бошқарув академияси ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг хозирги ҳолати ва истиқболлари масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Лондон шаҳри



Тадбир доирасида ўзбек халқининг буюк аждоди Захриддин Мухаммад Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишланган маданий лойиҳа ҳам тақдим этилди.

«Аждодларимиздан завқ олганлар: Хандани Бобур» номили мазкур лойиҳа Британия-Ўзбекистон жамияти ва «Zoraste Joaillerie» Франция — Британия компанияси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг кўллаб-қувватлаши асосида ташкил этилди. У Бобур ҳаётининг Буюк Британия китобхоналари ҳамда маълум бўлмаган илк даврларини ўрганиши кўзда тутилган баробарида Бобурийлар сулоласи тарихи бўйича британиялик ва европаллик олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотларнинг натижаларини ҳам ўзида акс эттирган. Алоҳида қайд этиш керакики, Бобур ва унинг авлодлари маданият ҳамда санъатнинг хомийлари сифатида қолдирган меросни

тадқиқ этиш ушбу лойиҳанинг муҳим бир йўналиши бўлди.

Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси директори Марк Кросси тадбир қатнашчилари олдига сўзга чиқар экан, мамлакатимизнинг таълим соҳасида кўлга киритган ютуқларига ҳамда Ўзбекистон ва Британиянинг бу йўналишдаги ўзаро ҳамкорлиги даражасига юқори баҳо берди.

— Менга Британия Кенгашининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари бўлиб ишлаш бахти nasib этди, — деди у. — Ўзбек шеркларимиз билан инглиз тилини ўқитиш тизимини ривожлантириш бўйича биргаликда самарали ҳамкорлигимизни янада ривожлантириш учун барча имкониятларни сафарбар қилиш ниътидаман. Ўзбекистон делегациясининг Лондонга ташрифи чоғида олий таълим сифатини ошириш, ўрта махсус таълимни ислоҳ қилиш, шунингдек, икки мамлакат илм ахли

ва тадқиқотчилари ўртасидаги ўзаро алоқалар кўллаларини янада кенгайтириш сингари соҳалардаги ҳамкорлик ва уни янада ривожлантиришга доир муҳим лойиҳалар муҳокама этилди. Санъат соҳасида ҳамкорлигимизнинг йўлга қўйилиши янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Тез орада британиялик расм соҳасида ҳамкорликнинг ривожлантиришига доир муҳим лойиҳалар муҳокама этилди. Санъат соҳасида ҳамкорлигимизнинг йўлга қўйилиши янги йўналишлардан бири ҳисобланади. Тез орада британиялик расм соҳасида ҳамкорликнинг ривожлантиришига доир муҳим лойиҳалар муҳокама этилди.

«Zoraste Joaillerie» фирмасининг асосчиси Зоҳра Докси Бобур ва Бобурийлар сулоласининг тарихи ва мероси кўп асрлар давомида нафақат Буюк Британиянинг, балки бутун Европанинг олимларини, тилшунослар, санъат аҳлининг эътиборини ўзига тортиб келган тарихий таъкидлади. — Бобурийлар давлатчилик ва адабиёт соҳасидаги фаолиятларидан ташқари ноёб безаклар ва заргарлик буюмларининг уста ва хунармандларини,

нақшошу меъморларни қўллаб-қувватлайдиган нозик табиатли ва юксак дидли инсонлар сифатида ҳам тарих саҳифаларида қолдирилган, — деди у. — Викториа, Альберт ва Британия музейларида ана шундай кўллаб ноёб топишларни учратиш мумкин. Бундай бой тарихий мерос, шунингдек, Ўзбекистоннинг Лондондаги элчихонаси томонидан ташкил қилинган ўзбек маданияти ва санъатига бағишланган турли кўргазмалар мени Шарқ ва Ғарб маданияти таркибий қисмларини ўзида мужассам этган заргарлик буюмларининг нодир коллекциясини яратиш сари руҳлантирган эди. У Ўзбекистон ва Марказий Осиёдаги бошқа мамлакатлар халқларининг рамзларини, шакл ва анъанавий нақшаларини ҳам қамраб олган.

Британияда нашр этиладиган «Дипломат» журналининг иходий ходими Жонатан Фрайер мазкур тадбир маълумотларга жуда бой бўлганини қайд этди. «Хусусан, Бобур ва Бобурийлар сулоласининг бебаҳо мероси ҳақида кўпгина янги далил ва рақамлар менда катта таассурот қолдирди», — деди у. «Бугунги тадбир 2013 йили юртингизда ўтказган кунларимни, яъни Буюк Ипақ йўли саёҳат дастури доирасида бир гуруҳ сайёҳлар билан бирга Самарқанд ва Бухоро бўйлаб сафарим чоғида орттирган илиқ хотираларимни ёдга солди. Дарҳақиқат, Ўзбекистондаги меъморий обидаларнинг гўзаллиги, ўзбек халқининг бой маданияти ва самимий меҳмондўстлиги ҳайратланарлидир».

«Жаҳон» АА, Лондон

Энергия ИҚТИСОДИ

долзарб масала

Бугунги кунда электр энергиясига бўлган эҳтиёж шиддат билан ўсиб бормоқдаки, бу турли энергия манбаларини кашф этиш ва ишлаб чиқаришга жорий қилишни жадаллаштиришни тақозо этмоқда. Аксарият мамлакатлар янги технологиялар яратиш билан бирга тежамкорлик борасида ҳам янги тартиб-қоидаларни татбиқ этмоқда.



Американин Калифорния штати маъмурияти эса электр энергияси истеъмолчини чеклашни афзал кўрмоқда. Айни пайтда хаддан зиёд катта экранли телевизорлардан фойдаланиш тақиқланган. Шу йўл билан штат яқин ўн йилда 8 миллиард долларлик энергия иқтисод қилишни режалаштирган. Ҳисоб-китобларга қараганда, дейлади «BBC» ахборотида, Калифорнияда электр энергиясининг 10 фоизи айнан телевизор томошасига сарфланган.

2009 йилда жорий этилган тартибга кўра, 2011 йилдан эътиборан диагонали 147 сантиметрдан катта бўлган барча телевизорлар одатдаги телевизорлардан 33 фоиз кам энергия истеъмол қилиши белгиланган бўлса, эндиликда эса 50 фоиз кам энергия сарфланадиган телевизорлардан фойдаланишга рухсат берилмоқда.

РЕКЛАМА ЎРНИДА

ВАТАН АЗИЗ, ВАТАН МУҚАДДАС

■ Самарқанд вилоят Мудофаа ишлари бошқармаси йилнинг пунктида муқаддас ҳарбий хизматга чақирилган йигитларни кузатув маросими бўлиб ўтди. Унда вилоят ҳокимлиги, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари ҳарбий хизматга йўл олаётган йигитларга оқ йўл тилалди.

Юрт побонлари

Ота-оналар номидан сўзга чиққан пастдаргомлик ўқитувчи Сурайё Норқобилова фарзандининг белгиланган синов ва танлов талаблардан муваффақиятли ўтгани ҳақида гуруҳ билан гапирди. Енгинамизда саф тортиб турган ҳарбий либосдаги йигитларимизнинг ҳаммаси жисмонан бақувват, маънавий етуқ ўғлонларидир, — деди у. — Улар сафида ўғлим Фаррух ҳам бор. Икки йил аввал тўнғич фарзандим Фарҳоджонни ҳам ана шундай тантанали маросимда ҳарбий хизматга кузатгандим. У хизматдан сўнг Чирчиқ Ҳарбий олий муҳандислик кўмондонлик билим юртига имтиёз асосида ўқишга кирди. Фаррухга ҳам аксининг йўлини берсин.

— Мен Самарқанд шаҳридаги ҳуқуқшунослик коллежини битирдим, — дейди Нуробод туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғинидан хизматга отланган Асилбек Айназаров. — Ёшлигимдан ҳарбий хизматга қизиққанлигим боис умумтаълим фанларини пухта ўзлаштирдим, спорт билан доимий шугулландим. Хизмат даврида маънавий ва жисмоний тайёргарлигимни янада оширишга ҳақиқий ҳарбий хизматчи бўлишга интиламан.

Тадбирда бўлажак юрт побонларига вилоят ҳокимлигининг эсдалик совғалари топширилди.

Абдурасул САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.



МИЛЛИЙ БАНК: ИНВЕСТИЦИЯЛАР янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилмоқда

■ Мамлакатимиз молия-банк тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида тижорат банкларининг ресурс базаси йил сайин мустақамлашиб, улар томонидан кўрсатилаётган хизматлар сифати янада яхшиланмоқда.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ҳам мазкур жараённинг фаол иштирокчиси сифатида корхоналари техник ва технологик қайта жиҳозлаш, янги қувватларни ишга тушириш билан боғлиқ лойиҳаларни молиялаштиришга асосий эътибор бермоқда. Шу мақсадда, чет давлатлар билан иқтисодий алоқаларни чуқурлаштириш, иқтисодийга хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш ва халқро молия муассасалари билан ҳамкорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Банкнинг ўтган йилги кредит сиёсати мувофиқ ишлаб чиқаришни ташкил қилиш, корхоналарни техник ва технологик янгилаш ҳамда модернизация қилиш, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфраструктураларни ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, ёшларни тадбиркорликка жалб қилиш, ёш оилаларнинг маиший шартини яхшилашга ажратилган кредитлар салмоқли бўлди.

Молия муассасасининг кредит портфели 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, 8,04 трлн.сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 17,8 фоиз ўсди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари капиталлашув даражасини янада кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш жараёнига инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадига, ажратилган хорижий ва миллий валюталардаги кредитлар ҳисобига 12 700 та иш ўрни яратилди.

Миллий банк кичик бизнесни ривожлантириш дастури бўйича хорижий банк ва молия муассасалари кредит линиялари ва ўз маблағларини ўзлаштириш ҳисобига соҳа субъектларини молиялаш юзасидан

фаол иш олиб бормоқда. Хусусан, Корея экспорт ва импорт банкис билан имзоланган 60 млн. АҚШ доллари миқдоридagi узоқ муддатли кредит битими доирасида 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, 10,56 млн. АҚШ долларига тенг 15 та лойиҳа молиялаштирилди.

Шунингдек, Миллий банк ва Хитой давлат тараққиёт банки ўртасида товар ва хизматлар бўйича тузилган импорт шартномаларини молиялаштириш мақсадига 100,0 млн. АҚШ долларига тенг узоқ муддатли кредит йўналишини тақдим этиш учун битим имзоланган бўлиб, бугунга қадар унинг доирасида 35,7 млн. АҚШ долларига тенг бўлган 45 та лойиҳа молиялаштирилди.

Кичик бизнес субъектларини кўллаб-қувватлаш учун миллий валютада ўтган йили 1,3 трлн.сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Ушбу маблағлар қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ҳамда туризми, деҳқон фермер хўжалик-



лари, тадбиркор аёллар ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга сарфланди.

Банкнинг инвестиция фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. «Иқтисодий реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонга мувофиқ банк балансига қўйиб қилинган 40 таси янги мулкдорларга сотилди, 27 тасининг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва қолган 1 тасини инвесторларга сотиш ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 392,6 млрд.сўмлик (шу жумладан, 2014 йилда 152,7 млрд.сўмлик) махсус ишлаб чиқарилиб, унинг 40,7 млн. АҚШ доллари (шу жумладан, 2014 йилда 26,1 млн. АҚШ доллари) миқдоридagi қисми экспорт қилинди. 4 971 та иш ўринлари яратилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш борасида белгилаб олинган устувор вазифалар ижросини таъминлашда Миллий банк жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

хоналарнинг акциядорлари ва қатнашчилари тарихига кириш йўли билан корхоналарни модернизациялаш, технология ва техникавий жиҳаддан қайта жиҳозлашдаги иштирокчини кўпайтириш бўйича ишлар амалга оширилди.


Натижада 2015 йил 1 январь ҳолатига кўра, банк балансига қабул қилинган 68 та корхонадан 40 таси янги мулкдорларга сотилди, 27 тасининг ишлаб чиқариш фаолияти тикланди ва қолган 1 тасини инвесторларга сотиш ишлари олиб борилмоқда.

Амалга оширилган ишлар натижасида фаолияти тикланган корхоналар томонидан жами 392,6 млрд.сўмлик (шу жумладан, 2014 йилда 152,7 млрд.сўмлик) махсус ишлаб чиқарилиб, унинг 40,7 млн. АҚШ доллари (шу жумладан, 2014 йилда 26,1 млн. АҚШ доллари) миқдоридagi қисми экспорт қилинди. 4 971 та иш ўринлари яратилди.

Мухтасар айтганда, мамлакатимизда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш, халқимиз фаровонлигини янада ошириш борасида белгилаб олинган устувор вазифалар ижросини таъминлашда Миллий банк жамоаси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Миллий банк матбуот хизмати материаллари асосида Алишер РҶЗИЕВ тайёрлади.

Миллий банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига ажратилган кредитларнинг соҳалар бўйича таснифи (2015 йил 1 январь ҳолати бўйича)



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 17 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан куйидаги қийматини белгилади:*)

■ 1 Австралия доллари	1911,16	■ 1 Канада доллари	1975,45	■ 1 Туркия лираси	998,21
■ 1 Англия фунт стерлинги	3786,98	■ 1 Хитой юани	392,94	■ 1 Швейцария франки	2642,44
■ 1 Дания кронаси	376,62	■ 1 Россия рубли	37,71	■ 1 ЕВРО	2777,13
■ 1 БАА дирҳами	668,27	■ 1 Украина гривнаси	94,69	■ 10 Жанубий Корея вони	22,31
■ 1 АҚШ доллари	2454,30	■ 1 Малайзия ринггити	687,96	■ 10 Япония иенаси	207,27
■ 1 Миср фунти	321,66	■ 1 Польша злотийси	671,88		
■ 1 Исландия кронаси	18,72	■ 1 СДР	3474,06		

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

ЭЪЛОН

«BUKHORO GLOBAL REALTOR» МЧЖ «Голос Ўзбекистана» газетасининг 2015 йил 13 февраль, 6-сонда чоп этилган эълондаги танлов савдоси санаси ўзгарганлигини ва 20 март кунини соат 11:00 да Жондор туман ва Бухоро шаҳар ҳокимлиги биносига ўтказилишини маълум қилади. Танлов ҳужжатларини олиш учун манзил: Бухоро вилояти, Бухоро шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. Тел: (+99893) 960-69-00, факс: (+99865 221-54-43) www.bgr.gl.uz. Хизматлар лицензияланган.

Эсимда, онам доим қўлимга бир коса овқат тутқазиб, ён-атрофимиздаги бирорта кекса кишининг уйига юборарди. Ўйлаб қарасам, бунда ҳикмат кўп экан

2015 ЙИЛ — КЕКСАЛАРНИ ЭЪЗОЗЛАШ ЙИЛИ

Бир кўнгил зиёрати

Пойтахтимизнинг Юнусобод тумани 18-мавзе, 29-уй 4-хонадонига Разина Раҳимиянова истиқомат қилади. У бу йил 79 ёшга тўлади. Унинг хонадонига ташриф буюрсангиз ҳаммаша кўни-қўшни, таниш-билишларни келиб-кетаётганига гувоҳ бўласиз.

Хаётидан мамнун, яшашга иштиёқи банд инсонгина уйи, ён-атрофини доим саришта тутлади. Онахон дераза ойнасидан ўтган-кетганларни кузатар экан, ҳаёти, узоқ йиллик меҳнати, турмуш ўртоғи билан ярим асрдан кўпроқ бирга яшаганини ёдга олади. Икки қизи уйли-жойли, фарзандли бўлиб кетишган. Улар онахондан тез-тез хабар олиб туришади.

Аслида кекса киши ҳикмат китобига ўхшайди. У дунёни теранроқ кўради, ўзгачароқ ҳис қилади. Агар Разина аядан уйининг эшиги нега доим очик турганини сўрасангиз, шундай жавоб беради: — Одамларимиз меҳрибон, ҳол-аҳвол сўровчилар кўп. Азалдан хонадонларимизда кўлф осилмаган. Айниқса, эрта тонгдан уйга ризқ-рўз, баракка кириши учун эшик-дарвозалар очиб қўйилган. Бу кўнгил очиклиги, хотиржамликдан бўлса керак.

Онахоннинг айтишича, бир ўзи яшаш — ёлғизлик, дегани эмас. Чин ёлғизлик — ҳаётдан, жамиятдан узилиб қолиш, ҳеч ким билан гаплашмаслик, ҳеч нима ашитмаслик, кўрмаслик, ўқимаслик...

яшадик. Ҳозир эласам, юрагим орқага тортиб кетади.

— Қизларим доим бирга яшайлик дейишади, кўнмайман, — гапида давом этади Разина ая. — Чунки бу уйда кўп хотираларим бор. Кўни-қўшни ва маҳалладагилар тез-тез келиб туришади. Улар оила аъзоларимдай, жигаримдай бўлиб кетишган. Рўзгордан камим йўқ, вақтида пенсиямни олиб турибман. Баракка топгурлар, уйимга олиб келиб беришади. Раҳматли хўжайиним дурадгор-уста эди. Жуда ҳам бахтли яшадик. Шу кунларни кўрсатганига шукр.

Онахон билан узоқ суҳбатлашдик. У кишининг кўрган кечирганларини битта-иккита мақолага сидғириб бўлмайди, ёзсангиз, бир китоб бўлади. Разина ая ҳар сўзиде тинчлигимизга шукрона қилади, юртимиз гуллаб-яшнаверсин, дейди. Ёдида қолган воқеаларни биз билан баҳам кўраётган, 2014 йилда бўлиб ўтган парламент сайловиде иштирок этиб, овоз бергани ҳақида гапириб берди.

Ҳеч эътибор қилганмисиз, кекса кишилар ҳар бир воқеани ибратомуз тарзда гапириб беради. Улар билан қанча узоқ гаплашсангиз, шунча кўп нарсани ўрганаётганингизни сезасиз. Дунёнинг биз билан бирга яшашини сир-синоатлари очилгандай, қалбимизда янги туйғулар тугилаётгандай бўлади. Ҳар кунги кундалик ҳаёт кўзимизга бошқачароқ, тинирок кўрина бошлайди. Шунда йилимизнинг Кексаларни



эъозлаш йили деб номларни биз билан баҳам кўраётган, 2014 йилда бўлиб ўтган парламент сайловиде иштирок этиб, овоз бергани ҳақида гапириб берди.

Эсимда, онам доим кўлимга бир коса овқат тутқазиб, ён-атрофимиздаги бирорта кекса кишининг уйига юборарди. Ўйлаб қарасам, бунда ҳикмат кўп экан. Аслида минг йиллар олдин ҳам сафар олдиндан доим кексаларнинг дуоси олинган, кекса кишилар билан кенгашиб, катта ишлар ҳал қилинган, дастурхон ва давраларнинг тўрида доим нуруний кишилар утирган. Ҳатто ота-оналар фарзандига исм қўйишда

ҳозиргача ёши улғу инсонларимизга таянишади. Кекса кишиларнинг фикри, хулосаси, ҳаётини қарашлари нафақат халқимиз, балки бутун инсоният учун қадрли, эъозли ҳисобланади. Шунинг учун бу қадимий одат ҳар доим қадрланади.

Бир инсондан кўнги сураш катта гап. Айниқса, кексаларимиз ҳаммадан кўпроқ ширин сўзни, эътиборни соғинади. Бир отахон уйдаги телефони устага олиб борибди. Уста уни кўздан кечириб, отахонга телефони бузилмаганини айтибди. Шунда унинг кўзи ёшланиб, «нега унда

болаларим менга кўнгирик қилишмайди?», деган экан.

Бу воқеа бизни ота-онамиз, кекса кишилар, уларнинг кўнгли ҳақида чуқур ўйлашга ундайди.

...Разина ая билан хайрлашаётганимизда қўлида дастурхон кўтарган икки аёл кириб келди. Кўшни уйдан экан улар. Иккон бўлди дегунча, онахондан хабар олиб, суҳбатлашиб ўтиришар экан. Кетар чоғимиз биз Разина аянинг ҳақиқатдан ҳам сўраб келувчилари, меҳрибонлари кўп эканлигига амин бўлдик.

Бобур ЎТКИР

СПОРТ

Шу кунларда Таиланда велоспорт бўйича навбатдаги Осиё чемпионати қизгин давом этяпти. Унда мамлакатимиз велоспортчилари ҳам муваффақиятли қатнашмоқда.

Тимур Гумеров — Осиё чемпиони!

Мусобақа дастуридан жой олган омним (кўпқураш) баҳсларида ҳамюртимиз Тимур Гумеров марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтди. Вақилимиз китба чемпионати олтин медалига сазовор бўлиш билан биргаликда 2016 йили Рио-де-Жанейро (Бразилия)да бўладиган XXXI ёзги Олимпия уйинлари йўлнамаси учун муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Шунингдек, чемпионат доирасида ёшлар ўртасида ўтказилган XXXI ёзги Олимпия уйинлари йўлнамаси учун муҳим рейтинг очколарини қўлга киритди.

Самандар БОБОРАЖАБОВ, ЎзДЖТУ талабаси.

ОБ-ҲАВО 17-18. 2 — 2015

Юртимиз буйлаб (°C)	
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти	-3 / +2
Бухоро ва Навоий вилоятлари	0 / +5
Тошкент, Самарқанд, Жиззах, Сирдарё вилоятлари	0 / +5
Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари	+2 / +7
Андижон, Наманган, Фарғона вилоятлари	0 / +5
Тошкент шаҳри	0 / +2



Дунё буйлаб (°C)	
Лондон	+9 / +11
Париж	+9 / +9
Москва	-6 / -3
Мадрид	+12 / +14
Пекин	+12 / +11
Канберра	+32 / +30
Рим	+19 / +15
Афина	+8 / +5
Стокгольм	+3 / +3
Кейптаун	+33 / +24
Қоҳира	+20 / +17

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА

«Ўзвиносаноат-холдинг» компанияси корхоналари халқаро кўргазмалар ва ярмаркаларда фаол қатнашиб, юкса мукофотларга сазовор бўлиб келмоқда. Москвада ўтказилган «ПродЭкспо — 2015» халқаро кўргазмасида тармок корхоналари эришган муваффақият бунинг яна бир тасдиғидир. Жаҳоннинг 65 мамлакатидан 2000 дан ортиқ фирма ва компания қатнашган мазкур кўргазма танловиде Ўзбекистон ёрлиғи туширилган маҳсулотлар 8 та олтин ва 9 та кумуш, 1 та бронза медалига сазовор бўлди.

«Тошкентвино комбинати», Самарқанддаги «Жомбой шароб», Бухородаги «Шохруд» корхоналари 13 та медални қўлга киритишди. Ўзбекистон, танловда илк бор иштирок этган «Нукус вино заводи» ва «Афсар компани Лтд» корхоналари ҳам 4 та олтин ва 1 та кумуш медалга сазовор бўлди.

Шаҳноза РЎЗИЕВА

«Zahira invest» МЧЖ жамоаси меҳнат фахрийси Баҳром Бердиходжаевга воллидан муҳтарамаси САЙЕРА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таззия ихор этади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ЯНГИ МУДДАТЛИ ОМОНАТЛАР АМАЛГА КИРИТИЛГАНЛИГИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

«ЭЪЗОЗ»

- ❖ Сақлаш муддати — 1 йил.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар чорак якунида ёки омонат муддати тугагандан сўнг, талаб қилиб олинмаган фоизлар капитализациясиз тўланади.
- ❖ Мижоз ихтиёрига кўра, омонат муддати тугаганидан сўнг уни узайтириш мумкин. Лекин бу муддат 3 йилдан ошмаслиги керак ва ҳар бир қўшимча узайтирилган йил учун фоиз ставкаси 1 фоиз миқдориде оширилади.
- ❖ Қўшимча бадаллар қабул қилинади.
- ❖ Омонат ёши 50 ва ундан катта кишилар учун мўлжалланган.
- ❖ Омонатта 2015 йил 5 февралдан бошлаб маблағ қабул қилинмоқда.

«ҲИСОБЛИ»

- ❖ Сақлаш муддати — 5 йил.
- ❖ Ҳисобланган фоизлар ҳар ойда жисмоний шахснинг қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши учун олган кредити фонзини қоплаш учун йўналтирилади.
- ❖ Бошланғич бадал миқдори — 10,0 млн. сўм.
- ❖ Қўшимча бадаллар фақат нақд пул кўринишида қабул қилинади.
- ❖ Омонатта 2015 йил 1 октябрга қадар маблағ қабул қилинади.

ЖАМҒАРМАЛАРИ БОШҚАРИЛИШINI БИЗГА ИШОНИБ ТОПШИРГАНЛАР ФАВОРИЛИГИ УЧУН ЎЗИМИЗНИ МАСЪУЛ ДЕБ ҲИСОБЛАЙМИЗ!

Қўшимча маълумотларни 235-42-83, 234-14-14 телефонлари орқали ёки банкнинг исталган бўлим/филиалидан олиш мумкин.
www.nbu.com
Хизматлар лицензияланган.

ЁНГИНДАН МУҲОҒАЗА ҚИЛИШ ВА МУАММОЛАРИ ЕЧИШ ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК НОДАВЛАТ ТАЪЛИМ МУАССАСАСИ

қуйидаги бўш лавозимларга танлов эълон қилади: — профессор-ўқитувчи ва услубий ўқитувчилар; Танловда ёнгинг хавфсизлиги мутахассислиги бўйича олий маълумотга, илмий даражага ва камиде 10 йиллик педагогик ва амалий стажга эга бўлган ҳамда ўзбек ва рус тилларини мукамал билладиган Ўзбекистон фуқаролари қатнашиши мумкин. Таълим муассасаси жойлардаги ёнгинг хавфсизлигига масъул ходимларни, ёнгинг-техник комиссиялари аъзоларини, қуриқловчи ёнгинг ўчирувчиларни, ёнгини ўчириш, хабарлаш ва қуриқлов автоматик қурилмаларини ўрнатиб, таъмирлаш ва уларга техник хизмат кўрсатувчи мутахассисларни қайта тайёрлайди ва малакасини оширади. Битирувчиларга махсус малака сертификатлари берилди. Ўқитиш — шартнома асосида.
Манзил: Тошкент шаҳри, Чияғотой дарвоза кўчаси, 63-а.
Тел: (0-371) 242-53-36, (99893) 595-68-10, (99890) 999-80-95.
Хизматлар лицензияланган.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

EMMM

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«Электромагнит мослашув маркази» давлат унитар корхонаси огоҳлантиради:

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузаитиргичлар, радиостанциялар ва бошқа радиоузаитгич воситалари) ўрнатилган тартибда мусодара қилинади ва уларни олиб киришни амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олиш ва ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлиmlарига мурожаат қилинг.

БИЗНИНГ МАНЗИЛЛАР:

Тошкент шаҳри,	Нукус кўчаси, 22-уй, блок «В», тел: 230-61-13, 120-30-22.	Навоий шаҳри,	Амир Темура кўчаси, 4-уй, 802-хона, тел: 230-64-69.
Андижон шаҳри,	Чўлпон шоҳ кўчаси, 5-уй, 49-хонадон, тел: 230-64-65.	Наманган шаҳри,	Марилон кўчаси, 8-а уй, 2-корпус, 54-хонадон, тел: 230-64-72.
Бухоро шаҳри,	академик И. Мўминов кўчаси, 2-уй, тел: 230-64-66.	Самарқанд тумани,	Ўрташиқ қишлоғи, ТРНС, тел: 230-64-80.
Жиззах шаҳри,	Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, АТС-4 биноси, тел: 230-64-68.	Термиз шаҳри,	5-кичик даҳа, 1-уй, 16-хонадон, тел: 230-64-79.
Нукус шаҳри,	Ерназар Алақоз кўчаси, ШАТС биноси, тел: 230-64-75.	Гулистон шаҳри,	Мустақиллик кўчаси, 54-уй, тел: 230-64-67.
Қарши шаҳри,	2-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон, тел: 230-64-78.	Фарғона шаҳри,	Алишер Навоий кўчаси, 37-г уй, 36-хонадон, тел: 230-64-74.
		Урганч шаҳри,	Нажмиддин Кубро кўчаси, 7-уй, тел: 230-64-77.

МУАССИС: Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV	Ulug'bek	Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV	MUSTAFOYEV	Farrux HAMROYEV
Ulug'bek VAFOYEV	Musliihiddin	(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV	MUHIDDINOV	Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA	Ochilboy RAMATOV	(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — **233-12-56**

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ: 100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonalar: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar: Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV

ISSN 2010-7133

ISSN 2010-7133

1 2 4 5 6